

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тошкент давлат шарқшунослик  
институти ректори  
А. Манионов



*А. Манионов*  
« 29 » август 2017 йил

«МАЪҚУЛЛАНДИ»

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги ОАК раиси,  
А.Т. Юсупов



*А.Т. Юсупов*  
« 29 » август 2017 йил

10.00.05 – “Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти”  
ихтисослиги бўйича малакавий имтихон  
ДАСТУРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси  
Раёсатининг 2017 йил « 29 » август №29/5-сонли қарори билан  
тасдиқланган

ТОШКЕНТ – 2017

## **Т у з у в ч и л а р:**

филология фанлари доктори, профессор	<b>А. Маннонов</b>
филология фанлари доктори, профессор	<b>А. Қуронбеков</b>
филология фанлари доктори, профессор	<b>Қ. Содиқов</b>
филология фанлари доктори, профессор	<b>М. Имомназаров</b>
филология фанлари доктори, профессор	<b>Р. Ходжаева</b>

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон дастури Тошкент давлат шарқшунослик институти Кенгаши 2017 йил 2 июлдаги йиғилишида тасдиқланган.

## КИРИШ

Ушбу дастур 10.00.05 – “Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти” ихтисослиги бўйича малакавий имтиҳон қабул қилиш учун тузилган.

Дастур икки йўналишни қамрайди: Осиё ва Африка халқлари тиллари ҳамда Осиё ва Африка халқлари адабиётлари.

Тилшунослик йўналишида Шарқ тилларининг тарихий тараққиёти, ҳозирги шарқ тилларини тадқиқ этишнинг назарий масалалари қамраб олинган.

Осиё ва Африка халқлари тиллари бўйича талабгор қуйидаги йўналишлар бўйича назарий билимларга эга бўлмоғи керак:

- ўрганилаётган шарқ тилининг тараққиёт босқичлари;
- ўрганилаётган шарқ тилининг ёзма, адабий ва оғзаки шакллари;
- тилнинг ривожланиш истиқболлари ва тилнинг ривожланиш босқичларида интролингвистик ва экстроллингвистик омиллар, адабий тил ва маҳаллий лаҳжаларнинг ўзаро таъсир масалалари;
- ўрганилаётган тилнинг фонетик тизими ва фонологик хусусиятлари, ёзув тизими ва тарихий босқичлари, имло қоидалари, морфология ва синтаксиси ва уларни ўрганишдаги мавжуд муаммолар;
- ўрганилаётган тилдаги сўз ясаиш усуллари ва уларнинг ўрганилганлик даражаси;
- ўрганилаётган тилнинг лексикологияси ва уларнинг бошқа тилшунослик йўналишлари билан алоқаси;
- ўрганилаётган тил лексикографияси;
- ўрганилаётган тил бўйича асосий илмий муаммолар ва унинг дунё миқёсида ўрганилганлиги;
- ўрганилаётган тил бўйича асосий тадқиқотлар ва нашр этилган илмий мақола, монография ва дарслик ва қўлланмалар бўйича маълумотга эга бўлиш ва реферат тайёрлаш;
- ўрганилаётган тил бўйича тилшунослик терминологиясини эгаллаш ва илмий адабиётларни ўқиб, таржима қилиш малакасига эга бўлиш.

Адабиётшунослик йўналишида дастурда шарқ халқлари адабиётларини ўрганиш борасидаги назарий масалаларга эътибор берилади. Унда шарқ халқлари (араб, форс, афғон, хинд, хитой, япон, корейс ва турк) адабиётининг қадимги даврдан XXI асрнинг бошигача бўлган ривожланиш тарихини тўлиқ акс эттирган мавзулар қамраб олинган.

Президентимизнинг миллий маънавиятимизни мустаҳкамлашда маънавиятнинг негизи бўлган адабиётга алоҳида эътибор қаратганликлари республикамиз шарқшунослари олдида адабиёт, хусусан, шарқ халқлари адабиётини яқиндан ва чуқур ўрганиш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал қилиш вазифаларини қўймоқда ва бу муаммоларни муаффақиятли ҳал қилиш йўлида давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратиб берилмоқда.

Умумий шарқшунослик билимлари тизимида шарқ халқлари адабиётини ўрганиш муносиб ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбек шарқшунослиги бугунги кунда шарқ халқлари адабиётини ўрганиш бўйича каттагина тажрибага эга бўлиб, бугунги кунда шарқ мамлакатларига бўлган қизиқишнинг кундан кун ортиб боришини назарга олган ҳолда фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, улар асосида шарқ халқлари адабиёти билан боғлиқ академик даражадаги илмий рисоалар яратиш имкониятига эга.

Шарқ халқлари жаҳон миқёсида уч асосий минтақада шаклланиб ривожланмоқда: Узоқ шарқ, Жанубий ва жануби – шарқий Осиё ҳамда Яқин ва Ўрта шарқ (шимолий Африкадаги арабийзабон мамлакатлар билан бирга) минтақаларида. Турли даврларда шаклланган бўлишига қарамасдан бир минтақада бўлган бу мамлакатларда маданият, диний фалсафий, ахлоқий-эстетик қарашлардаги муштаракликлар, адабий алоқалардаги яқинлик ва тизимлилик ва айрим адабий жараёнлардаги умумийликни (жумладан, Ўрта асрлардаги Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистондаги форсий тилдаги адабий жараёнлар, Индонезия ва Малайзия Қадим ва Ўрта асрлар адабиётининг умумийлиги ва

бошқалар) кузатиш мумкин. Шу билан бир қаторда ҳар бир халқ адабиёти умумжаҳон адабий жараёнининг узвий ажралмас қисми бўлиб, унда жаҳон адабиётига хос умумий қонуниятлар, шунингдек ҳар бир халқнинг ўзигагина хос бўлган индивидуал хусусиятлар ҳам мужассамлашган.

Дастур доирасида ўтган даврлар мобайнида шарқ халқлари адабиёти ривожига асос бўлган манбаълар, адабиёт тараққиёти давомида шаклланган турли йўналиш ва оқимлар, турли туман жанрлар, шарқ халқлари адабиётининг поэтика масалалари янги, XXI аср бошларигача адабиётда ривожланиб келган янги ижодий методлар нуқтаи назаридан ўрганилади ва унда шарқ халқларининг асрлар оша яратган маданий ва маънавий бойлиги ҳамда адабий мероси ўз аксини топади.

Дастурда шарқ мамлакатлари адабиёти ривожланиш тарихига оид материаллар асосида турли миллий адабиётлар ривожининг ички қонуниятлари, ўзига хос миллий хусусиятлари, ўзаро таъсир ва акс таъсир масалалари, универсал ва даврий жанрлар ҳамда поэтика масалалари ҳам ўз аксини топган.

## **I. ОСИЁ ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИ ТИЛЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

### **Тилшуносликнинг умумназарий масалалари**

Шарқ тилларини ўрганиш бўйича тилшуносликнинг умумий муаммолари. Замонавий тилшунослик мактаблари. Тилшуносликнинг илмий-тадқиқот методологияси ва методлари. Илмий тадқиқот тамойиллари. Тил универсалилари. Дунё тиллари ва уларни таснифлаш масаласи.

Ўрганилаётган тилнинг жаҳон тиллари орасида тутган ўрни ва тиллар оиласига мансублиги. Тилнинг ривожланиш босқичлари. Қадимий даври ва ундаги асосий ёзма манбалар. Ўрта даври ва унинг ёзма манбалари. Ҳозирги замон адабий тили, юзага келиши, шаклланиш босқичлари, қардош тиллар ва қўшни тиллар билан ўзаро муносабатлари; глобаллашув жараёни ва етакчи тиллар билан ўзаро муносабати. Тил ва унинг функцияси бўйича назарий қарашлар. Тилнинг илмий ва ижтимоий восита сифатида ривожланиш истиқболлари. Тилдаги мавжуд илмий муаммоларни мамлакатда ва мамлакатдан ташқарида ўрганилганлик даражаси. Мамлакатдаги миллий тилшунослик назариясининг жаҳондаги етакчи тилшунослик илмий мактабларига муносабати ва такомил даражаси. Тилларни қиёсий жиҳатдан ўрганиш. Когнитив тилшунослик. Лингвокультурология. Лингвопоэтика. Мамлакат тилшуносларининг яратган асосий илмий адабиётлари ва уларнинг йўналишлари: грамматика назарияси, лексикология, сўз ясалиши, семасиология, фонетика ва фонология, услубшунослик ва лексикография бўйича эълон қилинган асосий адабиётлар.

### **Тил тарихи масалалари**

Шарқ тилининг тарихи. Келиб чиқиши ва тараққиёт босқичлари. Тилнинг нутқ товушлари тизимининг тарихий тараққиёти. Ёзув тарихи масалалари. Ёзма ёдгорликлар тилини ўрганишнинг назарий масалалари. Шарқ ёзма ёдгорликларини фонетик, лексик-семантик, грамматик жиҳатдан ўрганиш. Тил тарихини диахроник аспектда ўрганиш. Тарихий лексика ва унинг такомилли. Тарихий лексикография масаласи. Тилнинг морфологик тизими ва унинг тарихий тараққиёти. Грамматик категориялар ва уларнинг ўзига хосликлари. Ёзма манбалар ва уларнинг тили масаласи. Синтаксис тарихи. Тилнинг синтактик қурилиши ва унинг ўзгариб бориши. Ёзма ёдгорликларда услуб масаласи: бадиий услуб ва унинг тарихий такомилли; расмий услуб ва унинг келиб чиқиш ва тарихий такомилли; илмий услуб ва унинг тарихи.

## **Ҳозирги шарқ тилларини тадқиқ этишнинг назарий масалалари**

Фонетика ва фонология тизими ва унинг илмий ўрганилиши. Қуйида берилган масалаларнинг умумий ва хусусий тилшунослик бўйича илмий тадқиқи масалалари:

Ўрганилаётган тилнинг фонетик тизими ва унинг фонологик асосларига мувофиқлиги. Фонетик тизими ва фонемалар таснифи. Товуш ва фонема. Фонема ва ҳарф. Унли фонемалар ва уларнинг таснифи. Ўрганилаётган тил вокализмининг бошқа тиллар (ўзбек тили) билан ўхшашлиги ва фарқи.

Ундош фонемаларнинг тизими ва уларнинг таснифи. Ўрганилаётган тил консонантларининг бошқа тиллар билан ўхшашлиги ва фарқи.

Ўрганилаётган тил бўғинларининг тузилиши. Тилдаги сўз ва жумла урғуси қонуниятлари. Гапдаги мантиқий урғу ва интонация хусусиятлари.

Фонологик транскрипция тизими ва унинг халқаро транскрипция тизимига мослиги.

Ёзув.

Ўрганилаётган тил ёзуви ҳақида умумий маълумотлар. Тилнинг алифбо (ёзув) тизими. Фонемаларнинг график ифодаланиши ва лигатуралар (иероглифлар). Ёзувдаги график белгиси бўлмаган фонемалар (тонлар) ва уларнинг ифодаланиш усуллари. Ёзув турлари (босма ва хаттотлик турлари). Тилнинг рақамлари ва уларнинг белгилар тизими. Имло қоидалари ва тиниш белгилари.

Грамматика.

Грамматиканинг ўрганиш мавзуси. Тилнинг грамматик қурилиши бўйича умумий маълумотлар. Морфология ва синтаксиснинг шарқ тиллари бўйича ўзаро муносабати.

Морфология. Лексик-семантик ва грамматик категорияларнинг илмий тадқиқи, шарқ тиллари бўйича ўзига хос илмий ёндашувлар. Қуйида берилган масалаларнинг умумий ва хусусий тилшунослик бўйича илмий тадқиқи масалалари:

Сўзларни туркумлаш принциплари. Мустақил сўз туркумлари ва уларнинг таснифи бўйича илмий ёндашувлар. От, сифат, сон, олмош, феъл, равиш туркумларининг ўзига хос хусусиятлари ва уларга хос грамматик категориялар тадқиқи.

Ёрдамчи сўз туркумлари, уларнинг турлари ва ўзига хосликлари. Боғловчи, кўмакчи, юкламаларнинг шарқ тилларида тавсифи ва таснифи масалалари.

Алоҳида сўз туркумлари, уларни гуруҳлаштириш. Модал сўзлар, тақлид сўзлар ва ундов сўзларнинг ўзига хосликлари ва улар бўйича тадқиқотлар.

Синтаксис.

Синтактик категорияларнинг илмий тадқиқи, шарқ тиллари бўйича ўзига хос илмий ёндашувлар. Қуйида берилган масалаларнинг умумий ва хусусий тилшунослик бўйича илмий тадқиқи масалалари:

Сўз бирикмаси ва гап. Сўз бирикмасининг асосий турлари: мослашув, битишув, кўмакчили ва артиклар воситасида ясалган сўз бирикмалари. Сўз бирикмалари ва турғун бирикмалар.

Содда ва қўшма гаплар.

Содда гапларнинг турлари: йиғиқ ва ёйиқ содда гаплар. Шахссиз, атов ва эгаси тушиб қолган гаплар. Гап бўлаклари. Гапнинг уюшиқ бўлаклари. Ажратилган изоҳ бўлақлар. Гап бўлаклари билан грамматик алоқага киришмайдиган бўлақлар, улар билан тузилган гаплар.

Қўшма гаплар. Тенг боғланган ва эргашган қўшма гаплар. Қўшма гап бўлақларининг ўзаро боғланиш усуллари.

Эргаш гапли қўшма гаплар, уларнинг тузилиши, турлари, гап бўлақларининг ўрни. Мураккаб қўшма гаплар ва уларнинг турлари. Периодлар. Муаллиф гапи, кўчирма ва ўзлаштирма гап.

Гапнинг актуал бўлиниши. Тема-рематик муносабатларнинг парадигматикаси.

Пресуппозиция. Гапларнинг шакл ва мазмун бўйича ассимметрияси.

Лексикология ва фразеология. Шарқ тили илмида лексикология бўйича тадқиқотлар ва уларнинг йўналишлари, ўзига хосликлари. Шарқ тили илмида фразеология бўйича тадқиқотлар ва уларнинг йўналишлари, ўзига хосликлари.

Қуйида берилган масалаларнинг умумий ва хусусий тилшунослик бўйича илмий тадқиқи масалалари:

Тилнинг луғат таркиби ва унинг тадқиқи. Туб сўз ва ўзлашмалар. Сўзларнинг ўзаро синтагматик ва парадигматик муносабатлари. Тил бирликларининг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари ва уларнинг тадқиқи. Тил луғат таркибининг ўзгариб бориши. Коннотация.

Сўз ясаши. Сўз ясашиш усуллари. Аффиксация, композиция, лексикализация, транспозиция, редупликация ва б. усуллари.

Услубшунослик. Шарқ тили илмида стилистика масалаларининг ёритлиши, нутқнинг функционал услублари ва уларнинг тадқиқи. Адабий тил ва оғзаки нутқ услуги. Оғзаки нутқнинг фонетик, морфологик ва синтактик ўзига хосликлари. Этикет қоидалари.

Матн лингвистикаси. Шарқ тили илмида матн лингвистикасининг ўрни. Матнни ўрганишда умумий ва хусусий ёндашувлар. Прагматика.

## **II. ОСИЁ ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

### **I ҚИСМ**

#### **ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИНИНГ УМУМНАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

##### **1. Мустақиллик ва адабиёт илмининг эркин ривожланиш имкониятлари.**

Адабиётнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни. Маънавият ва адабиёт. Бадиий адабиётнинг бош объекти. Ёш авлод маънавий тарбиясида бадиий адабиётнинг етакчи мавқеи ва бунинг сабаблари. Эстетик тарбия ва адабиёт. Шарқ адабиёти ва ахлоқий тарбия. Адабиёт ва фалсафа. Президент И.А. Каримов асарларида адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи ҳақида. Ўзбекистонда Шарқ халқлари адабиётини назарий ўрганишнинг аҳамияти. Миллий маънавиятимиз тарихий тараққиётига шарқ халқлари мумтоз адабиётининг таъсири.

##### **2. Адабиёт инсон фаолиятининг бир тури сифатида: адабиётнинг мураккаб табиати.**

Адабиёт рамзлар тизими сифатида. Тилда ва адабиётда шакл ва мазмун тушунчаларининг фарқланиши. Бадиий матннинг ўзига хос хусусиятлари. Бадиий тил ва бадиий услуб. Бадиий матнни шакллантиришда деталлаштиришнинг аҳамияти. Бадиий матннинг дискурсивлик хусусияти.

Адабиётнинг эстетик табиати. Бадиий тафаккур ва ҳаётга эстетик муносабат. Борлиққа рационал ва эмоционал муносабатнинг адабиётда аксланиши. Бадиий адабиётда гўзаллик ва ахлоқий қадриятлар нисбати. Бадиий ижод эстетик фаолият сифатида. Бадиият оламининг мукамаллик хусусияти.

Ҳаётга эстетик ёндошув турлари: фоже қисмат тасвири (трагизм), жасорат сурури (героика), аччиқ фош этувчи кулги (сатира), енгил ҳазил кулги (комизм), инсон ва муҳитнинг ички уйғунлиги тасвири (идиллика), марсиявийлик ёки дунёнинг ўткинчилиги ифодаси (элегизм), драматизм, киноя (ирония).

Адабиёт ва мулоқот. Адабиёт маънавий мулоқот воситаси сифатида. Адабиётнинг билим бериш хусусияти. Адабиётнинг тарбиячилик хусусияти. Адабиётнинг ижодкорлик хусусияти. Адабиётнинг суҳбатдошлик хусусияти. Адабиётнинг тизимлаштириш (тартибга солиш) хусусияти.

Адабий жараёнга ёндошув турлари. Бадиий тафаккурнинг илмий, диний, тарихий, амалий тафаккур турларидан фарқланиши ва умумий жиҳатлари. Бадиий ижодга муқаддас ва сирли ибодат сифатида (сакрал) ёндошув. Бадиий ижодга касб-ҳунар сифатида ёндошув. Бадиий ижодга маънавий рисолат сифатида ёндошув. Бадиий ижодга ўйин сифатида

ёндошув. Бадиий ижодга тарбия воситаси сифатида ёндошув. Бадиий ижодга мафкуравий восита сифатида ёндошув. Бадиий ижодга билим бериш воситаси сифатида ёндошув.

Адабий жараёнга ёндошувнинг тарихий шакллари. Адабий ижоднинг генезисини ўрганиш. Адабиёт асотир талқини сифатида. Диний мазмундаги адабиётда дунёвийлик унсурлари. Ўрта асрлар тарихий адабиёт, мемуарлар, кундаликлар, агиографик адабиёт, ахлоқий ва илмий рисолаларда бадиийлик. Анъанавий адабиётда индивидуал талқинлар. Мадҳиявий адабиёт. Тасаввуф адабиёти. “Мажоз тариқи” адабиётининг ўзига хос жиҳатлари.

Шарқда адабий мактаблар, оқимлар ва йўналишлар. Шарқ адабиётида ижодий метод ва услуб масаласи. Шарқ адабиётини даврлаштиришнинг умумий муаммолари. Янги давр Шарқ адабиётида романтизм, модернизм, постмодернизм тамойиллари. Шарқ адабиётида реализм масаласи.

### **3. Адабиёт бадиий ижод маҳсули сифатида: назарий поэтика**

Адабиёт санъатнинг бир тури сифатида. Шарқ адабиёти ва мусиқа санъати. Шеърятда вазн, ритм ва оҳанг. Халқ оғзаки ижодида мазмун ва оҳанг уйғунлиги. Мумтоз шеърятда мусиқийликни таъминловчи бадиий воситалар. Сўз санъатида тасвирийликни таъминловчи омиллар. Шарқ адабиёти ва миниатюра санъати. Хаттотлик санъати.

Санъат – воқеликка тақлид сифатида (“мимезис” назарияси). Инсонлар фаолияти – бадиий адабиётнинг бош мавзуси сифатида (Лессинг назарияси). Сўз санъатида эмоционал таъсир кудратини ҳосил қилишнинг ўзига хос усуллари (Катарсис назарияси). Сўз санъатида метафора ва ташбиҳнинг аҳамияти.

Бадиий нутқ сўз санъатининг асоси сифатида. Лингвистик ва адабий услубшуносликнинг ўзига хос жиҳатлари. Наср ва назмда бадиий нутқнинг ўзига хос намоён бўлиши. Бадиий нутқ ва бадиий тимсол. Шарқ адабиётида бадиий санъатларнинг икки тури. Наср ва назмда бадиий тимсолни яратишнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари. Наср ва назмда сўз, нутқ ва оҳанг.

Бадиий асарнинг таркибий шаклланиши. Китобхон, матн ва асарнинг “ботиний олами”. Бадиий асарда замон ва макон. Бадиий асарда воқеа қатлами. Сюжет ва фабула: моддий воқелик ва ботиний мазмун. Вазият тасвири ва характерлар кураши. Бадиий асарда сюжет ва мотивнинг ўзаро муносабатлари. Нарратология тушунчаси. Адабиётшуносликда муаллиф ва ҳикоячи (ровий) образи. Композиция ва компонент. Муаллиф ва қаҳрамон нуқтаи назари. Бадиий асар чегаралари. Ҳикоя (ривоя) санъати ва балоғат илми. Персонаж, характер, тип (йиғма характер).

Бадиий асар турлари: тарихий фактлар ва назарий қарашлар. Шарқ адабиёти тарихида адабий тур ва жанрларнинг шаклланиш жараёни. Эпик олам ва эпик матн. Қадим шарқ эпосида асотир унсурлари. Эпик жанрларда муаллиф нутқи ва персонажлар нутқининг фаркланиш даражалари. Эпопеяда зиддиятли олам тасвири. Эпик сюжетнинг ўзига хос жиҳатлари. Эпос ва роман: Бахтин назарияси ва унинг баҳсли жиҳатлари. Шарқ адабиётида кичик эпик жанрлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Эпик қаҳрамон масаласи.

Қадим ва Ўрта асрларда шарқ адабиётида драма. Мумтоз шарқ адабиётида драматик тур унсурлари. Қадимий ҳинд ва хитой драмалари. Анъанавий ва халқ театри. Драма ва театр. Драматик асарга китобхон ва томошабин муносабати. Драмада замон ва макон. Драмада воқеалар ривож ва унинг босқичлари. Драматик конфликт ва драматик характер. Драма олами ва унинг сахнада акс этиш даражаси. Драма матнининг ўзига хос жиҳатлари. Саҳна эпизоди ва асар композицияси. Драмада эпос ва лирика унсурлари. Драматик нутқнинг ўзига хос жиҳатлари. Янги даврда драматик жанрлар. Драматик асарда сюжет ва композициянинг ўзига хос хусусиятлари. Драматик асарда монолог ва диалог. Эпик театр. Драмада эпиклашув тамойиллари. Янги давр драмасида “бегоналашув” (“отчуждение”) ходисаси.

Лирик шеърят ва насрий лирика. Лирика ва мусиқий санъат. Лирик нутқ: вазн, қофия, оҳанг. Лирикада туйғулар ифодаси. Лирикада шакл ва мазмун мутаносиблиги. Шоир ва лирик қаҳрамон. Лирик асар олами: замон ва макон, сюжет ва композиция. Лирик асар

персонажлари. Шарқ адабиётида лирик ва лиро-эпик жанрлар. Мумтоз адабиётда лирик жанрлар. Халқ оғзаки ижодида лирик жанрлар ва уларнинг ёзма адабиётга таъсири. Янги давр шеърий жанрлари. Насрий лирика. Лирикада персонаж ва характер масаласи. Лирик қаҳрамон ва муаллиф. Шарқ шеъриятида анъанавийлик ва психологизм. XX аср шарқ шеъриятида янгиланиш жараёнлари.

#### **4. Бадиий асарни ўрганиш**

Адабий манбашунослик, тарихий тилшунослик ва матншунослик фанларининг Шарқ халқлари адабиётини ўрганишдаги аҳамияти. Бадиий асарнинг таҳлил усуллари. Лингвопоэтика.

Таҳлил (анализ) ва талқин (интерпретация) тушунчалари, уларнинг тушуниш жараёнидаги нисбати ҳақида. Таҳлил мақсади. Герменевтика - тушуниш жараёнининг назарий муаммоларини ўрганувчи соҳа. Бадиий асарни тушуниш жараёнидаги объектив ва субъектив жиҳатлар. Контекстуал ва имманент таҳлил. Контекстуал таҳлил методлари: социологик метод, тарихий-маданий таҳлил методи, қиёсий метод, биографик метод, ижодий-генетик метод. Имманент таҳлил методлари: структурал, стилистик, семиотик методлар.

Бадиий матн талқини. Матн филологик тушунча сифатида. Матн семиотика ва маданиятшунослик тушунчаси сифатида. Постмодернистик концепцияларда матн талқини.

Шарқ халқлари адабиётшунослиги жаҳон адабиётшунослиги фанининг таркибий қисми сифатида. Шарқ халқлари адабиётшунослигининг тарихий тараққиёти. Ўрта асрларда шарқ адабиётшунослигининг шаклланиши. “Ши Цзин” муқаддимаси. Кашмир поэтика мактаби. Ислом минтақа маданиятида шеърият илмининг ривожини. Аристотелнинг “Поэтика” илми ва унинг Шарқда ўрганилиши. Фаробий ва Ибн Синонинг поэтикага оид қарашлари. Турли Шарқ халқлари бадиий тафаккури тараққиётида поэтика ва риторика илмининг шаклланиши.

Турли шарқ халқлари адабиётининг таниқли вакиллари ва адабиётшуносларининг адабиёт назариясига қўшган ҳиссалари (Анандавардхана, Дандин, Халил ибн Аҳмад, Ибн Мутааз, Ибн Муқаффа, Шамс Қайс Розий, Амир Хусрав Дехлавий, Аҳмад Тарозий, Рашидидин Ватвот ва бошқалар). Турли минтақа адабиётшунослик назарияларининг миллий адабиётларга таъсири. Алишер Навоийнинг адабиёт назариясига оид қарашлари.

#### **5. Шарқ халқлари тарихида бадиий тафаккурнинг шаклланиш ва тараққиёт жараёнлари**

Бадиий адабиёт ва бадиий тафаккур: масаланинг тарихий ва фалсафий жиҳатлари. Шарқ халқлари тарихий тараққиёти ва адабий жараённи даврлаштириш муаммолари. Энг қадимги давр. Асотир тафаккур ва унинг ривожини. Асотир таркибида бадиий адабиёт унсурлари (“Авесто”, “Ригведа”, “Шицзин”, Шуммер ва аккод асотирлари мисолида). Ибтидоий жамоа даври санъатида синкретизм. Илк шаҳар-давлатлар даврида яхлит асотир тизимларининг шаклланиши. “Авесто”. Қадим Шумер ва Миср адабиёти. Буюк салтанатлар даврида асотир тафаккурнинг таназзули ва соф бадиий адабиёт унсурларининг шаклланиши. Қадимги дунё асотир тизимлари таркибида эстетик тафаккур унсурлари.

Турли минтақа маданиятлари доирасида ўрта асрлар мумтоз шарқ адабиётининг шаклланиш жараёнлари. Шарқ адабиётининг эпос ва дoston: улар орасидаги узвий боғланиш ва мазмуний фарқланиш. Халқ оғзаки ижоди, тарихий солномалар ва эпос. Мусиқа, қўшиқ ва лирик шеърият. Қадим хитой, япон ва ҳинд адабиётининг драма ва унинг эпос билан боғланиши. Ўрта аср прозаси: роман, қисса, мемуарлар, мақомалар, сиралар, халқ китоблари, ривоят ва ҳикоятлар.

Эпик шеърият. Дostonларда сюжет барқарорлиги ва янгиланишларнинг ғоявий аҳамияти. Персонаж ва характер: анъанавий сюжетдаги янгиланишларнинг характер мантикига таъсири. Пейзажнинг композицион аҳамияти. Ўрта асрлар шарқ адабиётининг анъанавийлик ва бадиий тўқима нисбати.



Ўрта асрлар шарқ адабиётида проза тили ва услубий хусусиятлари. Ўрта асрлар шарқ адабиётида назирачилик: шакл ва мазмун – анъана ва янгиланиш. Лирик ва лиро-эпик шеърят. Минтақа маданиятлари доирасида миллий адабиётлар: шакл ва мазмунда умумийлик ва тафовут.

## **6. XX аср Шарқ адабиётининг назарий масалалари**

Жаҳон адабиёти таркибида барқарорлик ва ривожланиш динамикаси. Адабиётнинг минтақавий ва миллий ўзига хослиги. Маданий анъаналарнинг адабиёт учун аҳамияти. Халқаро адабий алоқалар. Адабий тушунчалар ва оқимларнинг алмашинуви – адабий жараённинг асосий омили.

Янги давр жаҳон адабиёти ва миллий адабиётлар. Янги давр Шарқ халқлари адабиётидаги ўзгаришлар ва уларнинг тарихий-ижтимоий омиллари. Янги даврда Европа адабиёти ва фалсафий эстетик оқимларининг шарқ халқлари адабиётига таъсири.

Янги шарқ адабиётида ижодий метод ва услублар рангбаранглиги. XX аср Шарқ адабиётида янгиланишлар. XX аср реализмининг ўзига хослиги ва олдинги давр реализмдан фарқи. Реализмнинг ижтимоий-психологик, ижтимоий - фалсафий, қаҳрмонлик ва бошқа чизгилари. Неореализм. Магик реализм. Интеллектуал реализм. Шарқ адабиётида уларнинг намоён бўлиши.

Неореалистик оқимлар модернизм арафасида. Символизм ва натурализм. Модернизм ва уларнинг кўринишлари: экспессионизм, сюрреализм, абсурд, экзистенциализм ва бошқалар. Шарқ адабиётида модернизм унсурлари. “Онг оқими” –модернизмнинг услубий усули.

Постмодернизм, унинг модернизмдан фарқи ва асосий белгилари: тазминлаш, интертекстуаллик ва ҳоказо. Миллий шарқ адабиётларида (турк, ҳинд, араб) постмодернизм тамойиллари.

## II ҚИСМ

### ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИ

(миллий адабиётлар)

#### Араб адабиёти

##### Қадимий ва мумтоз давр араб адабиёти

Араб адабиётини даврлаштириш масалалари. Жоҳилия даври адабиёти. Қадимги араб қасидаси. Муаллақа муаллифларининг ижоди. Имрул Қайс, Антара, Тарафа ва бошқалар. Ислон, Қуръон ва ҳадисларнинг адабиётга таъсири. Илк ислон даври адабиёти. Каъб ибн Зухайр, Хасан ибн Собит.

Уммавийлар даври адабиёти. Сиёсий шеърят. Ал-Ахтал, ал-Фараздак, ал-Жарир. Узро ишқий лирикаси. Жамил ибн Маъмар, Қайс бин Зарих, Лайла ал-Ахйалия. Ҳижоз ишқий лирикаси. Омар ибн Абу Робиа ижоди. Аббосийлар даври адабиётининг ўзига хос хусусиятлари. «Янгиланиш» давридаги шеърят. Башшар ибн Бурд, Абу Нуввос, Абул Атахия ва бошқалар. «Янгиланиш» даврида бадий насрнинг шаклланиши. Абдуллоҳ ибн ал-Муқаффа. «Калила ва Димна» таржимасининг аҳамияти. «Анъанага қайтиш ҳаракати» шоирлари. Абу Таммом ва ал-Бухтурий. Ибн Румий ижоди.

Ибн ал-Мутозз асарларида бадиият масаласи. Ал-Жоҳиз «адаб» жанрининг асосчиси. «Синтез» даври шеърят. Ал-Мутаннабий ва Абул Аъло ал-Маъаррий ва бошқа шоирлар. Бадиуззамон ал-Хамадоний ва ал-Харирий ижодида мақома жанри. «Синтез» даврида адабий танқидчилик ва тазкиранавислик. Андалусия адабиётида араб ва испан анъаналарининг уйғунлиги. Араб-испан шеърятда янги жанрлар (зажал ва мувашшаҳ). Ибн Зайдун ижоди. Мамлуклар даври адабиёти. Биринчи илмий-адабий энциклопедиялар.

##### Янги давр ва замонавий араб адабиёти

«Ан-наҳда» маданий юксалиш ҳаракати контекстида янги араб адабиёти шаклланиши. «Янги араб адабиёти» тушунчаси. Маърифатпарварлар даври адабиёти. Миср, Сурия, Тунис публицистлари. Янги араб адабиётида тарихий роман жанри (Журжи Зайдун, Фарах Антун ижоди). Янги араб адабиётида ҳикоя жанри. Ал-Мувайлихий ва ал-Манфалутий.

Миср ва Ироқда «янги мумтоз шеърят» йўналиши. Ал-Барудий, Шавкий, ар-Русафий ва бошқалар.

«Ал-Иттижаҳ ал-вижданий» йўналиши (араб романтизми). Сурия-америка адабий мактаби. Жуброн Ҳалил Жуброн, Амн ар-Райҳоний ва бошқалар.

«Шеър ал-виждон» оқими. Миср («Диван» жамияти) ва Тунис адабиётида – Абул Қосим аш-Шаббий.

Миср ва Сурия адабиётида янги реалистик йўналиш. Миср модернистлари (ал-Мужаддидуна).

Биринчи араб реалистик романлар: «Зайнаб» (М.Ҳайкал), «Айям» (Т.Ҳусайн), «Рухнинг қайтиши» (Т.ал-Ҳаким).

Мисрлик машҳур араб ҳикоянавислари: Муҳаммад ва Маҳмуд Теймурлар, Йаҳйя Ҳаккий ва бошқалар.

Мустақиллик йилларда Миср, Сурия ва бошқа араб мамлакатларида адабиёт. Сурия ёзувчилар уюшмаси фаолияти.

1952 йил инқилобдан кейин миср адабиёти намояндалари аш-Шарқавий, ал-Хамисий, Юсуф Идрисларнинг ижодий эволюцияси.

«Нобель» мукофоти совриндори Нагиб Махфузнинг адабий мероси.

Мисрда «Янги мавж» оқими тамойиллари. «Янги мавж» ҳикоянавислиги (Ҳофиз Рағаб, Дия аш-Шанқавий ва бошқалар).

60-70 йиллар Сурия адабиётида янги бурилиш. Закария Тамер, Жорж Салим ва бошқалар ижоди.

Араб «янги роман» оқимида модернизм ва постмодернизм унсурлари.

Янги давр Ироқ адабиётида насрнавислик. Зуннун Айюб ва Фурад ат-Текерли, Абу Рахмон ар-Рубғий ижоди.

Ливан адабиёти. Марун Аббуд ва Жорж Хана ижоди.

Мағриб адабиётларида иккитиллик. Жазоирда арабийзабон ва французабон адабиёт.

Тунисда араб ва француз адабиётлари намояндалари ижоди.

Марокаш адабиётининг ривожига халқ оғзаки ижодини ўрни.

Баъзи араб давлатларида жадаллашган адабий жараён (Яман, Кувайт мисолида).

## Эрон адабиёти

### Қадим ва мумтоз давр форс адабиёти (X-XV асрлар)

Эрон адабиётини даврлаштириш масалалари. Исломгача эроний тиллардаги адабиёт ва унинг ўзига хос жиҳатлари. Исломгача Эрон ва Турон халқлари адабиётини даврлаштириш масалалари. Қадимги давр ва илк Ўрта асрлар минтақа маънавияти ривожига асосий босқичлар ва уларда эроний тилларда яратилган асосий адабий ёдгорликлар. Ибтидоий жамоа даври асотирлари. «Авесто» китоби ва асотир тафаккур. Буюк салтанатлар даври адабиёти.

Ислом минтақа адабиёти ривожланишининг биринчи даври. Форс тилида мумтоз шеърятнинг шаклланиши ва илк ривожи. Абу Абдуллох Рудакий қасидалари. “Дунёвий адабиёт” тушунчаси. XI аср форс тилидаги сарой шеърятини. Шўубия ҳаракати ва Унсурий ижодининг ижтимоий аҳамияти. Фаррухий ва Манучехрий. “Дунёвий адабиёт” тушунчаси. Унинг моҳияти ва асосий хусусиятлари. Дунёвий шеърятда мажоз. Ботиния таълимоти ва Носир Хусрав ижоди. Тасаввуф адабиёти ва Абдуллох Ансорий бадий ижоди. Фирдавсий ва унинг “Шохнома” асари “Шохнома” ёзиш анъанаси. “Шохнома” таркибидаги ишқий дostonлар: Зол ва Рудоба, Бежан ва Манижа. “Шохнома”да Рустам образи. «Рустам ва Сухроб». Сиёвуш фожеаси. Исфандиёр ва Рустам тўқнашуви. Фирдавсийнинг Юсуф ва Зулайхо” дostonи. Фирдавсий “Шохнома”сига эргашувчилар. Асадий Тусий ва унинг «Гаршаспнома» асари. Фахриддин Гўргоний.

Ислом минтақа адабиёти ривожининг иккинчи даври. Ирфоний-тасаввуфий адабиётнинг юксалиши. Умар Хайём ва Ғазолий Масъуд Саъд Салмон ва Амир Муиззий Ирфоний адабиёт ва унинг моҳияти. Санойий. Санойининг «Сайр ал-ибад ила-л-ма'ад» («Аллох бандаларининг қайтар жойга сафари») асари. «Ҳадойиқ ул-ҳақиқа» («Ҳақиқат боғлари»). Анварий. Ҳоқоний. Низомий Ганжавий. “Хамса”нинг яратилиши ва моҳияти. Фаридидин Аттор ва унинг «Мантиқ ут-тайр» дostonи. Жалолиддин Румий. «Маснавийи маънавий»нинг бош ғояси ҳақида. Саъдий Шерозий. Форс мумтоз адабиётида ғазал жанрининг такомилли.

Ислом минтақа адабиёти ривожининг учинчи даври. “Мажоз тариқи”. Амир Хусрав Дехлавий. Ҳофиз ғазаллари. Убайд Зоконий. Абдурраҳмон Жомий. Навоий-Фоний. Шоислом Шомухамедов ва форс адабиётини ўрганиш муаммолари.

### Янги давр ва замонавий Эрон адабиёти

XVI-XVII асрлар манбалари: тарихий асарлар, тазкира ва рисоалар XVI-XVII асрлар адабиётида асосий жанрлар. XVI-XVII асрлар форсийзабон адабиётида хинд услуби. Мирза Абдуқодир Бедил ижоди.

Эрон адабиётида “Бозгашт” адабий оқими ва унинг тарафдорлари. XVIII-XIX асрларда Техрон адабий мактаби. Хотиф Исфохоний, Қооний ижоди.

Исфохон, Шероз, Техрон адабий марказларида маърифатчилик ҳаракати (XIX-XX асрнинг 20-йилларигача). Ризоқулихон Ҳидоят ва унинг маърифатчилик фаолияти.

Халқаро иқтисодий ва маданий алоқлар ва Эрон адабиётига Европа маданиятининг таъсири. Эронда Дорилфунун, нашриёт ва босмаҳоналар очилиши, матбуот ривожи.

Эрон адабиётида Инқилобий давр адабиёти (1906-1911 йиллар). XX аср бошларида Эрон адабиётида насрий жанрлар ривожи. Муҳаммад Али Жамолзода, Санъатизода Кирмоний, Мушфиқ Козимий ижоди.

XX аср биринчи ярми наср ва шеърятда анъана ва янгиликлар. “Шеъри ноу” оқими. Нимо Юшиж фаолияти.

XX аср 30-50 йилларида бадий насрчиликда С.Ҳидоят, С.Нафисий ва Бузург Алавийлар ижоди.

Эрон адабиётшунослиги ва адабий танқидчилик. М.Баҳор.

Эрон адабиётида ҳажвий йўналиш: Ғ. Сойидий, Ж. Мирсодиқий, И. Гулистон.

XX асрнинг 70-80 йиллари Эрон адабиётининг ўзига хос хусусиятлари.

## **Ҳиндистон халқлари адабиёти**

### **Қадим ва мумтоз давр ҳинд адабиёти**

Ҳинди (урду) адабиётини даврлаштириш масалалари. Қадимий Ҳиндистон халқлари адабиёти. Велар ва уларнинг тақрибий қисмлари, ведаларнинг Ҳиндистон халқлари адабиёти ривожига тутган ўрни.

Веданта: ведаларга якуний талқинлар ғбрахманлар, араньяклар ва упанишадлар.

Қадимий ҳинд эпослари: “Рамаяна” ва “Маҳабхарата”: анъана ва ворисийлик. Ҳинд миллий адабиётларидаги эпосларнинг турли даврларга оид нусхалари.

Буддизм адабиёти: Жатака - Будда ҳаёти ҳақидаги асар. Ашвагхоша – санскрит адабиётида буддизм тарғиботчиси.

Қадимий ҳинд шеърятига оид трактатлар: Анандавардхана ва унинг “Дхваньялока” асари, Дандин ва унинг “Кавьядаршана” асари, “Аланкаршастра”, “Расамиманса” ва бошқа трактатлар.

Қадимги ҳинд драматургияси – “Бхаратанатьяшастра” асари. Бхаса биринчи ҳинд драматурги. Қадимий ҳинд эпослари ва ҳинд драматургияси. Драматург Шудрака ва унинг “Мриччхакатика” пьесаси. Калидаса ижодининг ҳинд драматургияси ривожига тутган ўрни.

Қадимги ҳинд эртак ва масаллари. Қадимги ҳинд масали – “Панчатантра” (“Беш китоб”). Эртаклар: “Веталопанчовиншати” (“Веталанинг 25 хикояси”), “Синхасанадватриншати” (“Шох тахти ҳақида 32 хикоя”), “Хитопадеша” (“Фойдали маслахатлар”), “Шукасапгати” (“Тўтининг 72 хикояси”), “Бхаратакадватриншати” (“Монахлар ҳақида 32 хикоя”), “Брихаткатха” (“Катта хикоя”) ва бошқалар

Қадимги ҳинд адабиётида роман ва сатирасининг ривожиди. Харибхадра ижоди. Биринчи романист Бана ва Дандин. Дандиннинг “Дашакумарачарита” (“Ўн шаҳзода саргузашти”) асари.

Ўрта асрлар ҳинд адабиёти. Бхакти диний-ислоҳотчилик ҳаракати ва унинг адабий жараёнга таъсири. Ниргун бхакти. Ниргун бхакти вакили Кабир ижоди. Сагун бхакти - Рам бхакти ва Кришна бхакти. Рам бхакти адабиёти вакили Тулсидас ижоди. Тулсидаснинг “Рамчаритаманаса” асари ва “Рамаяна” эпоси – қиёсий таҳлил.

Кришна бхакти адабиётининг вакили Сурдас ижоди. Сурдаснинг “Сурсагар” асари ва “Маҳабхарата” эпоси – қиёсий таҳлил. Ўрта аср ҳинд агиографик адабиёти (“варта” жанри мисолида).

Ҳиндистонга ислом динининг кириб келиши. Урду тили ва адабиётининг шаклланиши. Ҳинд тасаввуф адабиёти – Жаяси (“Падмават”), Манжхан “Мадхумалти”, Кутубан “Мригавати” ва бошқалар ижоди.

Ҳиндистонда форсийзабон адабиёт: Амир Хусрав Дехлавий ва Бедил ижоди.

Урду адабиётида лирик жанрлар: ғазал қасида, рубоий, маснави.

### **Янги давр ва замонавий ҳинд адабиёти**

Рити даври адабиёти ва адабий жараёндаги ўзгаришлар.

Ҳиндистон халқлари адабиётида янги адабий йўналишлар ва оқимлар.

“Янги хикоя” йўналиши: янги образлар ва сюжетлар (Камлешвар, Ражендра Ядав, Мохан Ракеш).

Рамзийлик (романтизм) ривожиди. (XX асрнинг 20-40 йиллари).

Модернизм оқимлари: ҳинди ва урду адабиётларига таъсири.

XX аср 60 йиллар ҳинд адаблари асарларининг ўзбек тилига таржималари.  
Панжоб адабиётини даврлаштириш. Сикхизм тарихи. Амрита Притам, Картар СингхДуггал ва 60-70 йиллар адабиёти.  
Реализм ва танқидий реализм ривож.  
Ёзувчи ва шоир Тагорнинг адабий мероси ва ижодий методлари.  
Замонавий ҳинд адабиётининг долзарб муаммолари (наср ва назм).

## **Хитой адабиёти**

### **Қадим ва мумтоз давр хитой адабиёти**

Хитой адабиётини даврлаштириш масалалари. «Ши цзинь» ёзма ёдгорлигининг мумтоз Хитой адабиёти шаклланишида тутган ўрни. Нотиклик санъати ва фалсафий мактабларнинг пайдо бўлиши. Қадимги Хитой мифологиясининг ўзига хос хусусиятлари. Илк индивидуал шоирлар ижоди. Хань даври шеърляти. Илк ўрта аср адабиётининг шаклланиши. Олти сулола даври адабий мероси. Жианан шеърляти намояндлари. Ўрта аср хитой лирикасининг асосчиси Тао Юаньмин ижодининг ўзига хос хусусиятлари. Тан даври шеърляти асосчилари ижодининг шаклланиш омиллари. Уйғониш даврининг хусусиятлари (VIII-XII асрлар). Ван Вэй ижодида Ренессанс элементлари ифодаси. Ли Бо ижодида романтик туйғуларнинг ифодаси. Халқ қайғуси куйчиси – Ду Фунинг ижодий мероси. Хитой адабиётида кичик эпик жанрларнинг пайдо бўлиши. VIII-X аср ҳикоянавислиги. Тан новеллистикаси. Мўғил истилоси даври (XIII-XIV асрлар). Драматург Гуан Хань Циннинг ижоди (Юань драмаси). Чуанчи жанрида ёзилган новелларнинг генезиси.

### **Янги давр ва замонавий хитой адабиёти**

Ўрта аср Хитой адабиётида жанрлар хилма хиллиги. Хитой адабиётида илк маърифпарварлик даври. Хитой адабиётида романчиликнинг пайдо бўлиши. (XVI асрнинг биринчи ярми-XVII асрнинг иккинчи ярми). Хитой адабиётига янги давр сиёсий ўзгаришларнинг таъсири. Ли Юй (1611-1680) ва унинг драматургиядаги ўрни. «Драматургия» трактати. Хун Шэн драматургияси, «Мангулик қасри» драмасининг ғояси. Кун Шанжэнь ва унинг «Шафтоли гулли елпиғич» драмаси. Пу Сун Линнинг новеллистикаси.

Цао Сюэцин ва унинг «Қизил саройдаги туш» романи. Хитой энг янги давр адабиёти ривожланиши ва «4 май ҳаракати». Лу Синь «Телбанинг хатлари» ҳикоясининг таҳлили. Мао Дуннинг ҳаёти ва ижоди. 1966-1976 йиллар давомидаги «маданий революция»нинг адабиётга кўрсатган таъсири. Лао Шэ ижодида ғарб фалсафасининг ўрни ва ижодидаги ифодаси.

## **Япон адабиёти**

### **Қадим ва мумтоз давр япон адабиёти**

Япон адабиётини даврлаштириш масалалари. Кодзика адабиёти илк афсонавий асар. XV-XVI асрларда шаҳар адабиётининг ривож. Симадзаки Тосон ва янги шеърлят. Манъёсю антологиясида шеърлий жанрлар. Хэйан даври адабиёти. Такэтори-моногатари моногатари жанридаги илк асар. Сэй Сёнагон ижоди ва «Макура но Соси» асарининг бадиияти. «Кокинсю» антологияси қадимий япон шеърляти тўплами. Кабуки и Дзёрури театрларининг ўзига хослиги. «Исэ моногатари»асарининг лирик қиссаларида севги мавзуси. Мурасаки Сикибу ва унинг «Гэндзи моногатари» романи ҳақида.

### **Янги давр ва замонавий япон адабиёти**

Японияда маърифатчилик даври адабиёти. Миамото Юрико ҳаёти ва ижоди. Реализм тараққиёти. Фтабатэй Ситэй ижоди. Мори Огай ижодининг ўзига хосликлари. Абэ Кобо ижоди. Япония адабиётида ёшлар мавзуси. Натурализм. Симадзаки Тосон насри. Адабий тўғараклар фаолияти. Танидзаки Дзюнъитиро ижодида анъана ва новаторлик. Нома Хироси ижоди

Анъаналарнинг давом этиши. Кавабата Ясунари ижодида эстетик қарашлар. Реализмнинг тараққий этиши. Цубоути Сёё ижодининг ўзига хослиги. Адабиётда уруш мавзуси. Гомикова Дзюмпэй ижоди.

## **Корейс адабиёти**

### **Қадим ва мумтоз давр корейс адабиёти**

Корейс адабиётини даврлаштириш масалалари. XIV асргача бўлган корейс адабиёти. Корея адабиётининг илк даври (X аср ўрталаригача). Тарихий насрнинг тараққиёти. Буддизмнинг корейс адабиёти ва маданиятига таъсири. Корейс адабиёти тарихининг иккинчи босқичи. (X-XIII асрлар). Классик ёдгорликларнинг яратилиши. Корейс адабиёти тарихининг учинчи босқичи. (XII-XIV асрлар). Хангилда шеърларнинг яратилиши (хянга). Кичик шаклдаги «пхесол» жанрининг пайдо бўлиши. Корейс алифбосининг яратилиши ва корейс тилидаги илк адабий манбалар Поэмалар яратилиш даври (“сижо”, “каса”) Қисса жанрининг шаклланиши. “Пхесол” адабиётининг равнақи. Ривоят, новелла, очерклар. Кореянинг XVII асрда ижтимоий-тарихий шароит ва адабий жараён.

### **Янги давр ва замонавий корейс адабиёти**

“Чансижо” нинг шаклланиши. Ханмунда наср. Ҳикоя, роман жанрларининг ривожиди. Корейс янги давр адабиёти (1945 йилдан то бугунги кунгача). Озод Корея адабиёти. Замонавий наср ва унинг таниқли намояндаларининг ижодий мероси. Корейс адабиётидаги анъанавий йўналишлар. Замонавий шеърят ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Театр санъати, драмаларда корейс миллий руҳининг акс этиши. XX аср иккинчи ярми адабиётининг ривожланиш омиллари (Наср. Шеърят. Драматургия)

## **Турк адабиёти**

### **Қадим ва мумтоз давр турк адабиёти**

Турк адабиётини даврлаштириш масалалари. Жалолидин Румий хаёти ижоди. Боқий поэзияси. Аҳмад Пошшо ижоди. Турк адабиётида лола даври. Аҳмад Нодим. Турк дидактик дostonлари. Юсуф Наби. Ўрта аср турк адабиёти сатира. Шайхий, Умар Нафи.

### **Янги давр ва замонавий турк адабиёти**

Сабохиддин Али романлари. Нозим Хикмат шеърятти. Азиз Несин сатираси. Ўрхон Помук романлари. Умар Сайфиддин ҳикоянавис. Яшар Камол ижодида фольклоризм.

### **ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, 2008.
2. Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, кенлажакка эътибор. “Ўзбекистон”, Т., 2009.
3. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент, 2012.
4. Karimov I. Ona yurtimiz baxt-u iqboli va buyuk kelajagi yo‘lida xizmat qilish – eng oliy saodatdir. Toshkent, 2015.
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimovning “O‘rta asrlar Sharq allomalari va mutaffakirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojidadagi roli va ahamiyati” mavzusidagi Xalqaro konferensiyaning ochilish marosimidagi nutqi. // “O‘rta asrlar Sharq allomalari va mutaffakirlarining tarixiy merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojidadagi roli va ahamiyati” Xalqaro konferensiya materiallari, 2014-yil 15-16-may, Samarqand. – Toshkent, 2014. 4-31-b.
6. Юсупов А.Т. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар давлат аттестацияси (методологик-услубий, норматив-ҳуқуқий ва илмий-ташқилий йўналишлари). Тошкент, 2013.

### **ТИЛШУНОСЛИК БЎЙИЧА АДАБИЁТЛАР:**

1. Кодухов В.И. Введение в языкознание. – М.: «Просвещение», 1979. – 350 б.
2. Суперанская А.В. Общая терминология: вопросы теории.– М.: Наука, 1989.
3. Chomsky N. Knowledge of Language: Its Nature, Origin, and Use. – Greenwood Publishing Group.-Westport, CT, USA, 1985.-320 p.
4. Chomsky N. New Horizons in Study of Language and Mind.– Cambridge University Press. – Cambridge, England, 2000.-239 p.
5. Woods A, Fletcher P., Hughes A. Statistics in Languages Studies. – Cambridge University Press. – Cambridge, England, 1986.-327 p.
6. Хомский Н., Миллер Дж. Введение в формальный анализ естественных языков.– М, 2003.
7. Лингвистический энциклопедический словарь, М., 1990
8. Маслова В.А. Лингвокультурология. – М., 2004
9. Мечковская Н.Б. Общая языкознание. Структурная и социальная типология языков. – М., 2001
10. Попова З.Д., Стернин М. Когнитивная лингвистика. – М., 2007
11. Нурмонов А. Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари. – Т., 2010
12. Липгарт. А. Основы лингвопоэтики. – М., 2008.
13. Крючкова Т.Б. Особенности формирования и развития общественно-политической лексики и терминологии. – М.: Наука, 1989. – 149 б.

### **Араб тили**

1. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. М., 1985.
2. Иброҳимов Н.И., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. Т., 1997, 2004. 1-2--жилдлар.
3. Ковалёв А.А., Шарбатов Г.Ш. Учебник арабского языка. М., 2000.
4. Кузьмин С.А Учебник арабского языка. М., 2001.
5. Ковтонюк В.В. Арабский язык. Пособие по речевой практике. М., 2002.
6. Талабов Э.Т. Араб тили дарслиги. Т., 1994.
7. Халидов Б.З. Учебник арабского языка. Т., 1997.
8. Шагаль В.Э. Учебник арабского языка. М., 1983.
9. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. М., 2001
10. Мусаев.О. Араб тили асосий қоидалари тизими. ТошДШИ. Т., 2000.
11. Носирова М.А. Маҳмуд Замахшарийнинг Ал-Унмузаж фи-н-наҳв рисоласи ТошДШИ. Т., 2005
12. Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. М., 1985.

### **Форс тили**

1. Куронбеков А., Воҳидов А., Зияева Т. Форс тили. Тошкент, 2006.
2. Абусаматов М.Ш. Форс тили. Т., 2007.
3. Овчинникова И.К., Мамед-заде А.К. Учебник персидского языка. 1-қисм. М., 1990
4. Овчинникова И.К., Мамед-заде А.К. Учебник персидского языка. 2-қисм. М., 1992
5. Я. Самаре. Омузеш-е забон-е форси. 5 жилдлик. Техрон, 1990-1996.
6. Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. М., 2001.
7. Овчинникова И.К., Иванов В.Б. Учебник персидского языка. М., 2000.
8. Рубинчик Ю.А. Современный персидский язык. М., 1990.
9. Рубинчик Ю.А. Определительные сложноподчиненные предложения в современном персидском языке. М., 1979.
10. Пейсиков Л. С. Лексикология современного персидского языка. М., 1975.
11. Bagheri, M. Moqaddemāt-e zabānšenāsi. Tehrān, 1378.
12. Najafi, A. Mabānii zabānšenāsi. Tehrān, 1374.
13. Abolqāsemi, M. Dastur-e tārixiye zabān-e fārsi. Tehrān, 1378.
14. Givi, H., Anvari, H. Dastur-e zabon-e farsi. Jeld-e 1. Tehrān, 1385.
15. Givi, H., Anvari, H. Dastur-e zabon-e farsi. Jeld-e 2. Tehrān, 1386.

### **Дарий тили**

1. Киселева Л.Н. Язык дари Афганистана. - М., 1985.
2. Киселева Л.Н., Миколайчик В.И. Дари-русский словарь.-2-е изд., стереотип., с Приложением новых слов. - М.: Русский язык, 1986.
3. Островский Б.Я. Грамматические значения личных форм глагола дари. - М.: Изд-во Московского университета, 1991.
4. Островский Б.Я. Вопросы грамматической семантики глагола языка дари. - М.: Гуманитарий, 2004.
